

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ФИСКАЛ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон Алижонович

Тошкент технология, менежмент ва коммуникациялар институти

ORCID: 0000-0002-4827-1040

[zafarjon1808@mail.ru](mailto:zafarjon1808@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада аҳоли даромадларини фискал воситалар орқали тартибга солиш масаласи кўриб чиқилган. Тадқиқотда аҳоли даромадлари тенгсизлиги даражасини камайтиришга солиқлар таъсируни баҳолашга оид назарий ва эмпирик илмий адабиётлар ўрганилган. Шунингдек, мақолада аҳоли даромади таркиби, аҳоли даромадлар тенгсизлигига фискал воситаларни таъсири тадқиқ қилинган. Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишига (Жини коэффициенти) таъсир этувчи омилларни регрессион таҳлили амалга оширилган. Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида аҳоли даромадларини фискал воситалар орқали тартибга солиш бўйича хуносалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли даромади, иш ҳақи, трансферт, мулкий даромад, фискал воситалар, солиқ солиш, даромад солиғи, солиқ ставкаси.

## РЕГУЛИРОВАНИЕ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ ФИСКАЛЬНЫМИ ИНСТРУМЕНТАМИ

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон Алижонович

Ташкентский институт технологии, менеджмента и коммуникаций

**Аннотация.** В данной статье рассматривался вопрос регулирования доходов населения фискальными инструментами. В исследовании изучена теоретическая и эмпирическая научная литература по оценке влияния налогов на снижение уровня неравенства доходов населения. Также, в статье проанализирована структура доходов населения, влияние фискальных инструментов на неравенство доходов населения. Проведен регрессионный анализ факторов, влияющих на неравномерное распределение доходов населения (коэффициент Джини). В результате проведенных исследований и анализа сформированы выводы о регулировании доходов населения фискальными инструментами.

**Ключевые слова:** доход населения, зарплата, трансферт, имущественные доходы, фискальные инструменты, налогообложение, подоходный налог, налоговая ставка.

## REGULATION OF POPULATION INCOME BY FISCAL INSTRUMENTS

DSc, prof. Abdullaev Zafarjon Alijonovich

Tashkent Institute of Technology, Management and Communications

**Abstract.** This article examined the issue of regulating the population's income using fiscal instruments. The study examined theoretical and empirical scientific literature on assessing the impact of taxes on reducing income inequality. The article also analyzes the structure of population income and the impact of fiscal instruments on income inequality. A regression analysis of factors influencing the uneven distribution of population income (Gini coefficient) was conducted. As a result of the research and analysis, conclusions were drawn about the regulation of population incomes by fiscal instruments.

**Keywords:** income population, salary, transfer, property income, fiscal instruments, taxation, income tax, tax rate.

## **Кириш.**

Аксарият иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, аҳоли даромадларини фискал воситалар орқакли тартибга солишда ҳар қандай солиқ тизимида прогрессив шкаладаги даромад солиғи солиниши муҳим самарали солиқ инструменти бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Шу билан бирга, ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётли мамлакатларда ҳам битта ёки турли компанияларда ёки давлат ташкилотларида ишловчиларнинг малакали ишчилар меҳнатига тўланган даромад, албатта, бошқа ишчиларга тўланадиган даромаддан анча юқори бўлиши лозим ва табиий ҳолдир.

АҚШ ва Фарбий Европанинг ривожланган мамлакатларида юқори ва паст даромадларга солиқ ставкаларини қўлланиши кенг доирада ва узоқ вақт давомида муҳокама қилинган масалардан бўлсада, бироқ, даромадни тақсимлашда солиқ ставкаси муҳим инструмент бўлишига қарамасдан, асос сифатида олиб ўрганиладиган тегишли илмий назария деярли мавжуд эмас. Умуман олганда, қайта тақсимловчи прогрессив солиқقا тортиш одатда жисмоний шахснинг даромади (аниқроғи, унинг таминий даромади миқдорига) билан боғлиқдир. Жисмоний шахснинг аниқ интеллект коэффициенти (I.Q.), илмий даражаси, яшаш жойи, ёши ёки ижтимоий мавқеи орқали унинг даромад олиш потенциали тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш мумкин бўлсада, аммо табиий равишдаги тахминда даромад потенциалини энг ишончли кўрсаткич бўлиб, оладиган даромади ҳисобланади (Mirrlees, 1971).

Аҳоли даромадларни тақсимоти ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлардан бири бўлиб, аҳолининг даромадларини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган тақсимот муносабатлари бу – муносабатлар субъектлари ўртасида мулкий муносабатларга, иқтисодий манфаатларга асосланган ва аҳоли даромадлари функцияларини амалга оширишга қаратилган объектив мавжуд ва етарлича барқарор муносабатлардир. Аҳолининг даромадлари иқтисодий категория сифатида жамиятда уй хўяликлари ёки шахслар ўртасида яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш жараёнидаги реал иқтисодий муносабатларини акс эттиради (Такмакова, 2003).

Аҳоли даромадларини тартибга солиш қайта тақсимлаш асосида фискал сиёсатнинг солиқ ва трансферт воситалари орқали амалга оширилади. Аҳоли даромадларини фискал воситалар орқали тартибга тартибга солишда солиқлар, хусусан жисмоний шахсларнинг даромал солиғи муҳим аҳамиятга эгадир.

## **Адабиётлар шарҳи.**

Умуман олганда, иқтисодчи олимлар томонидан оптималь солиқقا тортишда Ramsey ва Mirrleesларнинг фундаментал илмий ишларига асосланган. Оптималь солиққа тортишнинг стандарт назарияси шуни кўрсатадики, солиқ тизими бир қатор чекловларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаравонлик функциясини максимал даражада ошириши керак. Оптималь солиққа тортиш бўйича назарий адабиётларнинг умумий таҳлилида индивидуал нафлийкнинг ночизиқли функцияси ҳисобланган ижтимоий таъминот функциясидан фойдаланилган ва бу ижтимоий режалаштирувчига нафлийкни тенг тақсимлаш имкониятини беради. Бироқ, айрим тадқиқотларда индивидуал нафлийк чизиқли функцияси ижтимоий таъминот функцияси сифатида фараз қилинган ҳолда ижтимоий режалаштирувчи фақат ўртача нафлийк ҳақида қайғуради, деб тахмин қилинади (Mankiw ва бошқалар, 2009). Ramsey (1927) фикрига кўра, самарали солиққа тортиш фақат бир солиқни эмас, тўлиқ солиқлар тўпламини жорий этишни талаб қиласди. Шу билан бирга, бу фоизли даромадларни солиққа тортишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ramsey томонидан истеъмол ва жамғармани иккита турли товарлар сифатида кўриб чиқади ва капиталга иш ҳақидан даромадга нисбатан анча паст ставкада солиқ солиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. “Нафлийк” тушунчаси оптималь солиққа тортиш бўйича маҳсус адабиётларда “даромад”

тушунчасидан ҳам кўпроқ қўлланилиб, бундай феноменга қуйидаги тушунтиришлар берилган:

биринчидан, индивидлар бевосита солиқлар кўпайишига жавобан ўз даромадларининг камайишини қоплаш учун юқори меҳнат самарадорлиги билан жавоб бериши анча кенг тарқалган. Улар учун меҳнат қилишнинг ортиб бориши солиқдан кейинги даромаднинг пасайиши кутилаётган суммага солиқнинг тўлиқ қиймати ошишига қадар қўшилиши зарур бўлган қийматдан иборат. Иккинчидан, солиқдан кейинги даромад миқдорининг тенгсизлик даражаси таҳлили хатоликларга олиб келиши мумкин, чунки бу тенгсизликка қандай омиллар сабаб бўлганлиги аниқ эмас. Учинчидан, истеъмол товарларига билвосита солиқлар солиниши нархлар ва истеъмолчиларнинг истеъмол структурасини ўзгартиради. Бу эса, ўз навбатида, номинал даромадни реал даромадга ўтказишда истеъмол нархлар индексидаги муҳим кўрсаткичлар ўзгаришига олиб келади (Heady, 1993).

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, нафлийик функциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\textcolor{blue}{U} = f(x_1, \dots, x_n, L) U = f(x_1, \dots, x_n, L) \quad (1)$$

бу ерда:  $U$  – нафлийик;  $x_i$  – товар истеъмоли, шу жумладан, жорий жамғармага боғлиқ келгусидаги истеъмол;  $L$  – таклиф қилинган меҳнат миқдори.

Фақат солиқлар ушлангандан кейинги реал даромад ( $Y$ ) билан ифодаланган истеъмолнинг умумий ҳажми муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафлийик функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\textcolor{blue}{U} = f(Y, L) U = f(Y, L) \quad (2)$$

Мамонова ва Алениковларнинг (2011) фикрига кўра, солиқларни ўрганишда иккита асосий жиҳатларни, солиққа тортиш мақсади ва солиққа тортиш самарасига ажратиш мумкин бўлиб, мақсад давлат фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг якуний натижаси ҳисобланади ва бу “солиқ” каби иқтисодий категориянинг мавжудлигини таъминлайди. Самара эса иқтисодий категория сифатида тор маънода ҳам, кенг маънода ҳам солиқ солишининг таъсири натижасининг муқаррар оқибати ҳисобланади. Солиқ солишининг илмий назарияси ривожланишининг ҳозирги босқичида солиққа тортиш самарасига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки уларнинг оқибатлари жамият учун анча эҳтимолий ва аввалдан аниқ прогноз қилиб бўлмайдиган салбийоқибатлар олиб келиши мумкин. Солиққа тортишнинг асосий самрасида бири “даромад самараси” бўлиб, даромал солиғи ўз моҳиятига кўра, жисмоний шахслар даромадларини қайта тақсимлаш орқали бир қисмини бюджетга олиб қўйишинг англашиб, бу мсолиқ тўлангандан кейин жисмоний шахснинг тасарруфидаги реал даромад миқдорига (жумладан, истеъмол ва жамғариш нормасига) таъсир кўрсатади.

Барчага маълумки, солиқ қонунчилигида барча фаолиятдан олинган даромадлар солиққа тортилмайди хусусан, ижтимоий кўринишдаги даромадлар (пенсия, нафақалар) ва ҳатто солиққа тортиладиган фаолиятлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромади (иш ҳақи, мулкий даромад) турли хил ставкаларда солиқларга тортилиши мумкин. Солиқ тизимида даромадни бундай солиққа тортиш тартибини мавжудлиги, жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаолиятини солиққа тортиладиган соҳалардан солиққа тортилмайдиган соҳага ўтказишига олиб келиши мумкин. Бўш вақтни асосий ишдан якка тартибдаги (уй хўжалиги) хўжалик доирасидаги ишлашга ўтказиш (масалан, шахсий томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш) бунга мисол бўлиб, бундай фаолиятнинг маҳсулотларига (бу шахсий эҳтиёжлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш омили билан ҳамда шу билан бирга, ушбу фаолиятдан олинган даромадларни солиқ маъмурчилигидағи қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ) солиқ солинмайди. Шундай қилиб, биз солиққа тортишнинг иккинчи фундаментал таъсирини солиққа тортиладиган фаолиятни солиққа тортилмайдиган фаолият турлари билан алмаштиришда ифодаланадиган “алмаштириш самараси”ни ажратиб кўрсатишимииз

мумкин (Мамонова ва Алеников, 2011). Аҳоли даромадиги прогрессив солиқ солища солиқ шкаласининг максимал ставкасини белгилашда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади: биринчидан, миллий даромадда аҳолининг энг бой қатлами ning улуши; иккинчидан, қайд этилган даромадларнинг меҳнат ҳаракатлари билан боғлиқлиги. Агарда миллий даромада бадавлат фуқароларнинг даромадлари улуши унчалик юқори бўлмаса ва улар аҳолининг даромадли фаолият ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланувчи энг иқтисодий фаол қисмини ташкил этган ҳолда, солиқнинг юқори максимал ставкасини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас (Майбуров ва Соколовская, 2012).

Солиққа тортишда вертикал тенгликни таъминлаш йўллари ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги сабабли пропорционал ёки прогрессив ставкадаги солиқларнинг қайси бири адолатлироқ деган савол ҳалигача баҳсли масала ҳисобланади. Шу сабабдан, ижтимоий адолат нуқтаи назаридан аҳоли даромадларига пропорционал ёки прогрессив ставкаларда солиқ солишини танлаш ушбу жамиятда даромадларни тақсимлашда қандай тенгсизлик оптималлиги ва даромадларни қайта тақсимлашнинг қай даражада адолатли эканлиги билан белгиланади. Маълумки, пропорционал солиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у турли ўлчамдаги даромадлардан бир хил улушни олиб қўйиш орқали жамиятдаги мавжуд ижтимоий табақаланиш даражасига таъсир қила олмайди, ва натижада солиқ солищдан кейин уларнинг нисбати аввалгидек солиққа тортишгача бўлган даражада сақланиб қолинади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишида аҳоли даромадлари фискал воситалар орқали тартибга солиш бўйича назарий ва эмпирик илмий адабиётларнинг шарҳи келтирилган. Мақолада аҳоли даромадлари таркиби ва аҳоли даромадлар тенгсизлиги даражасига фискал воситаларни таъсири ўрганиб чиқилган. Шу билан бир қаторда, тадқиқот ишида аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишига (Жини коэффициенти) таъсир этувчи омиллар сифатида аҳоли бандлиги даражаси, жисмоний шахслар даромад солиғининг ўртacha самарали ставкаси ва аҳоли умумий даромадлари таркибида трансферлардан олинган даромад улушини таъсири регрессион баҳоланган. Амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлиллар асосида аҳоли даромадларини фискал воситалар орқали тартибга солишга оид хуносалар шакллантирилган.

Таҳлилларни амалга оширишда тадқиқот мавзуси доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, статистика агентлиги, ҳамда давлат солиқ қўймитасининг ҳисботлари ва статистик маълумотларидан фойдаланилган. Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, илмий мулоҳаза, монографик кузатув, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил ва регрессион таҳлил усусларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**


Аҳоли даромадлари турли манбалардан ташкил топади: иш ҳақи ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш; инвестиция фаолияти, шу жумладан шахсий мулк буюмлари олди-сотдиси даромад, рента, фоизлар, дивидендлар; тадбиркорлик фаолияти; давлат ижтимоий тўловлари; хорижда ишлаётган шахслардан кўчирмалар; бошқа даромадлар. Аҳолининг пул тушумларини шакллантириш манбаларининг хилма-хиллиги уларни тўрт гурухга бўлиш имконини беради (1-расм). Жумладан, солиқ кодексида жисмоний шахсларининг даромади таркиби қўйидагиларга ажратилган:

❖ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (шбай нархлардан, тариф ставкаларидан ва мансаб маошларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган,

ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи ва күшимча ва рафбатлантиришлар);

- ❖ мулкий даромадлар (фоизлар, дивидендлар, ижара даромадлари ва бошқалар);
- ❖ моддий наф тарзидаги даромадлар (турли товар ва хизматлар учун түловлар);
- ❖ бошқа даромадлар (пуллик түловлар, ютуқлар, грантлар, моддий ёрдам, бошқалар).

Қайд этиш жоизки, юқоридаги даромадларнинг салмоқли қисми түлиқ хўжаликларнинг ихтиёрида қолмайди, балки тўланган солиқлар ва бошқа тўловлар миқдорига камайтирилади. Шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг даромад манбалари (пенсия, оиласий нафақа, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар) ва юқорида кўрсатиган солиқдан озод қилинган даромадлар уй хўжаликлари бюджетнинг даромад қисмини ташкил этган ҳолда тўғридан-тўғри солиққа тортиш имконияти амалда мавжуд эмас.




### 1-расм Аҳоли даромадлари категориясинини аниқлашга ёндашувлар, ўрганишлар асосида тузилган

Бугунги кунда халқаро стандартлари билан уйғунлаштиришга қаратилган солиқ тизимини такомиллаштириш ва оптималлаштириш энг муҳим қўйидагилар ҳисобланади:

1. аҳоли даромадларига солиқ солишд солиққа тортилмайдиган минимумни ва прогрессив даражаларда юқори ва пастки чегараларни ошириш;
2. аҳолини мулк компонентларини солиққа тортишни ўзгартириш, жумладан, қўчмас мулк ва транспорт воситаларига солиқларнинг ошириш;
3. даромадлаарни солиққа тортиш ислоҳотлари аҳоли жамғармасини оширишга қаратилиши;
4. ижтимоий тўловларни нисбатини ишчиларнинг сұғурта маблағларини ҳисобга ошириш оқибатида аҳоли тасарруфидаги даромадига салбий таъсирни камайтириш;
5. капиталдан олинадиган солиқлар ва истеъмолга солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш;
6. ипотека кредитлар ва узоқ муддатли истеъмолга мўлланган товаралар бўйича қарз тўловларига солиқ чегирмалари берилиши тартибини такомиллаштириш;
7. аҳоли даромадлари ва фаровонлигига самарали таъсир кўрсатадиган солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни амалга ошириш.

Ўз навбатида, солиқ таъсирининг юқорида кўрсатилган усулларини амалиётга татбиқ этиш аҳоли молиявий саводхонлигининг юқори даражасини талаб қиласди, улар солиқ имтиёзлари ва преференциялар орқали ихтиёрий даромадни оширишга хуқуқий таъсирининг реал имкониятларини билиши зарур. Бундан ташқари, иш ҳақи кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ имтиёзларини бекор қилиниши, вояга етмаган ҳар бир ёш болалар учун мол-мулк солиғи ва ижара тўловлари учун солиқ чегирмаларини тақдим қилиниши ва болалиқдан ногирон болаларни болани тарбиялаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий мақсадга қаратилган самарали солиқ механизмини татбиқ қилиниши, жисмоний шахсларнинг фоизли даромадлари бўйича солиқ солинадиган базани кенгайтириш, давлат ёки муниципалитетлар томонидан чиқарилган облигациялар ёки бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича тўланган фоизларни солиғидан озод қилиш, транспорт ва майший чиқиндилар учун тўловларни самарали механизми жорий этиш, ўз-ўзини банд қилган аҳоли даромадларини тартибга солиш муҳим масалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши, аҳолига мустақил тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилиши, бизнес орқали аҳоли даромадлар таркиби ва миқдорини ўсиши имкониятлари аҳоли даромадлари тенгсизлиги даражасини кескин фарқланишига олиб келди. Бунда аҳоли даромадларини фискал механизмлар воситада тартибга солиш орқали даромадлар тенгсизлиги даражасини қисқартириш талаб этади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ ислоҳотларининг амалга оширишда асосий муаммоларидан бири бўлиб, самарали солиқ ставкалари танловини асослаш ҳисобланади. Прогрессив ва регрессив солиқ ставкаларидан фойдаланганда бу муаммо анча мураккаблашади, чунки пропорционал ставгадаги солиқдан фарқли ўлароқ, бу ҳолда битта эмас, балки бир нечта чегаравий ставкаларни танлашни асослаш талаб қилинади.



**2-расм. Солиқни даромадлар тенгсизлигига таъсирини мамлакат гуруҳлари бўйича таҳлили (IMF, 2017)**

Халқаро валюта фонди томонидан олиб борилган таҳлилларда ривожланаётган мамлакатларда солиқлар ва харажатларни пастлиги ва кам прогрессивлиги ҳисобга олинган ҳолда бюджетнинг қайта тақсимланиши кўлами нисбатан анча кичик ҳисобланади. Тенгсизлик даражаси икки гуруҳ, яъни ривожланган мамлакатлар ҳамда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида солиқлар чегирилгунча бўлган даромадлар фарқланиш бўлмасада, бироқ, солиқ солингандан кейинги жисмоний шахслар ихтиёридаги даромадлар эса аксинча сезиларли даражада фарқланиш мавжуд (2-расм).

Олиб борилган назарий ва эмпирик тадқиқотларда даромадларни қайта тақсимлашнинг энг муҳим фискал инструментларидан бири, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўлиб, даромад солиғининг даромадлар тенгсизлигига таъсирини таҳлили қуидагиларни аниқланган: даромад солиғининг қайта тақсимловчи таъсири нафақат солиқ ҳажмига, балки солиққа тортишнинг прогрессивлигига ҳам боғлиқ; даромадлар тенгсизлигини камайтиришнинг янада самарали воситаси прогрессив солиққа тортиш шкаласининг юқори маржинал ставкасини ошириш эмас, балки ушбу ставка қўлланила бошлаган даромаднинг чегаравий қийматини пасайтиришdir.

Кўпчилик иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, адолатли солиққа тортиш талаблари прогрессив даромад солиғи билан энг мос келади, чунки солиққа тортишнинг пропроционал шкаласи аҳоли даромадларининг табақаланиш даражасини пасайтиришда самарали ҳисобланмайди. Жумладан, прогрессив солиқ ставкаларини ягона солиқ ставкаси билан алмаштириш даромадлар тенгсизлигининг янада ошишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, уни юқори даражада белгилаш мумкин эмас, чунки у минимал ва максимал даромадларга нисбатан қўлланилади (Buchanan&Musgrave, 1999).

Республикада аҳоли умумий даромадларида ўсиш тенденцияларини кузатиш мумкин бўлиб, даромадлар таркибида иш ҳақи кўринишидаги даромадлар ва трансферлар улуши юқоридир (1-жадвал). Жумладан, 2023 йилда республика аҳолисининг умумий даромадлари 728,8 трлн. сўмни, аҳоли жон бошига бўлган даромад 20,0 млн. сўмни, аҳоли жонт бошига реал даромад эса 18,3 млн. сўмни ташкил этган. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар 70,5 % ва трансферлардан олинган даромадлар улуши эса 26,7 %ни ташкил этган ҳолда мол-мулқдан олинган даромадлар улушида нисбатан ўсишни кўриш мумкин. Статистик маълумотларга кўра, охирги 7 йилда аҳоли жон бошига реал даромадлар ҳажмити 2,7 бараварга ортган.

#### 1-жадвал

#### Аҳоли умумий даромадларининг миқдори ва унинг таркибини таҳлили

Кўрсаткичлар	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й	2022й.	2023й.
Аҳоли умумий даромади (трлн.сўм)	236,9	300,8	365,7	415,1	515,7	633,6	728,8
Аҳоли реал умумий даромади (трлн.сўм)	216,4	256,0	319,3	367,6	465,3	568,5	662,7
Аҳоли жон бошига умумий даромад (млн.сўм)	7,3	9,1	10,9	12,1	14,8	17,8	20,0
Аҳоли жон бошига реал умумий даромад (млн.сўм)	6,7	7,8	9,5	10,7	13,3	15,9	18,2
Аҳоли даромадларини таркиби (%да)	100	100	100	100	100	100	100
Иш ҳақи кўринишидаги даромадлар	77,4	74,6	73,5	73,3	71,7	67,9	70,5
Трансферлардан олинган даромадлар	19,5	22,5	23,8	24,6	26,2	29,9	26,7
Мол-мулқдан олинган даромадлар	3,1	2,9	2,7	2,1	2,1	2,2	2,8

**Манба:** статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган

Республика статистика агентлигининг маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдорини ўртасидаги фарқланишларни ошиб боришини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг.сўмда**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>	<b>2022</b>	<b>2023</b>
Қишлоқ хўжалиги	885,1	1162,1	1412,2	1694,7	1937,4	2390,6	2706,8
Қурилиш	1777,9	2292,4	2751,3	3311,8	3960,1	4677,6	5179,7
Тоғ-кон саноати	2974,7	3734,0	4426,7	5998,1	6719,6	7109,0	8325,3
Ишлаб чиқариш саноати	2073,2	2737,0	3313,0	3408,7	3962,4	4767,0	5456,9
Илмий, техник фаолият	1283,7	1618,9	2341,1	3020,9	3776,2	4760,5	5737,8
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар қўрсатиш	1069,8	1185,2	1293,8	1867,6	2216,8	2712,4	3282,2
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	1393,2	2079,3	2813,7	3122,5	4172,7	5213,6	6513,7
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1381,9	1669,2	2046,6	2262,5	2744,6	3096,5	3784,1
Бошқа турдаги хизматлар қўрсатиш	1040,0	1368,9	1466,6	1978,5	2770,7	3062,0	4209,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1880,3	2632,2	3029,6	3446,3	4162,0	5695,9	6588,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	1080,0	1297,4	1573,1	1794,1	2261,5	2429,0	2871,3
Ахборот ва алоқа	2502,2	3329,6	3968,8	4390,5	5577,2	7560,8	10596,0
Молиявий ва суғурта фаолияти	2694,7	3497,1	4804,8	6270,7	8309,8	10799,9	13357,6
Ташиш ва сақлаш	2028,6	2505,0	2966,0	3409,8	4240,7	5123,8	6848,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1037,9	1251,5	1749,2	1839,5	2402,9	3046,1	4120,1
Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1676,5	1980,8	2462,8	2766,9	3183,2	3917,6	5002,0
Кўчмас мулк билан операциялар	708,6	788,6	971,2	1333,1	1897,4	2597,2	3021,7
Таълим	1160,2	1381,5	1843,0	1980,3	2309,0	2688,3	3125,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш	979,4	1171,6	1534,5	1811,2	2153,6	2602,3	3006,5

**Манба:** статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган

Агарда 2017 йилда ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи энг паст чегараси 708,6 минг сўмни (Кўчмас мулк билан операциялар соҳасида), энг юқори чегараси 2974,7 минг сўмни (Тоғ-кон саноати тармоғида) ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи энг куйи чегараси 2706,8 минг сўмга (Қишлоқ хўжалиги соҳасида), энг юқори чегараси эса 13357,6 минг сўмга (Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида) етган. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдорини паст ва юқори чегарали ўртасидаги фарқланиш 2017 йилда 4,2 баравар бўлган бўлса, 2023 йилга келиб, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдорларини энг паст ва энг юқори чегараси ўртасидаги фарқланиш тахминан 5 бараварга ошган.

Албатта, иқтисодий ривожланиши даражаси, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши, умумий нархлар индексни ўсиши, иқтисодий фаолият турлари бўйича яратилган қўшилган қиймат миқдори, фойда нормаси, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг таҳлил қилинган даврларда 7,5 барварга оширилганлиги, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаларини камайтирилиши каби бошқа бир қатор омиллар таъсирида ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдорини ўсиб бориши билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш ҳақларини табақаланиш даражасини ортишига олиб келган. Шундай қилиб, аҳоли умумий даромадларида иш ҳақи кўринишдаги даромадлар улушини юқорилиги, ўз навбатида даромадлар тенгсизлигини ўсишига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори паст бўлган иқтисодиёт тармоқларида банд аҳолининг асосий улушини фаолият кўрсатиши эса аҳоли даромадлари тенгсизлигини янада кучайишига олиб келиши мумкин.

## 3-жадвал

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича банд аҳолининг тақсимоти

Иқтисодий фаолият турлари	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Қишлоқ хўжалиги	27,2	26,6	26,2	26,4	25,2	25,1	23,9
Қурилиш	9,5	9,1	9,8	9,9	10,0	9,6	10,7
Тоғ-кон саноати	0,6	0,6	0,6	0,7	0,7	0,4	0,4
Ишлаб чиқариш саноати	11,8	12,0	11,9	12,1	12,1	11,9	11,9
Илмий, техник фаолият	1,0	1,1	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,6	0,6	0,7	0,7	0,7	0,8	0,8
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	4,3	4,8	4,7	4,8	4,7	4,6	4,6
Санъат, қўнгил очиш ва дам олиш	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	11,2	11,6	11,5	10,3	10,0	11,2	11,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	0,5	0,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,4	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4	0,3
Ахборот ва алоқа	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5	0,6	0,6
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,5	0,6	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5
Ташиш ва сақлаш	4,8	4,9	4,8	4,6	4,8	4,6	4,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,3	2,3	2,3	2,3	2,5	2,5	2,6
Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	10,9	10,6	10,6	10,6	11,3	11,1	11,3
Кўчмас мулк билан операциялар	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5	0,5	0,5
Таълим	8,2	8,4	8,4	8,8	9,0	9,3	9,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4,5	4,6	4,6	5,1	4,8	4,9	5,0

**Манба:** статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Республикада 2023 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича банд аҳолининг тақсимотини кўриб чиқадиган бўлск, қишлоқ хўжалиги соҳасида 23,9%ни, саноати ишлаб чиқаришда 11,9%ни, бошқа турдаги хизматлар кўрсатишда 11,1%ни, улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашда 11,3%ни, қурилишда 10,7%ни ҳамда таълим соҳасида 9,3 %ни ташкил қилган (3-

жадвал). Ушбу кўрсатиб ўтилган соҳаларга иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг улуши 78%га тўғри келган бўлиб, ушбу соҳалар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори энг паст кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 2706,8 минг сўмни, нисбатан юқорироқ ўртacha иш ҳақи таълим соҳасида ишловчилар бўйича 3125,7 минг сўмни, бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида 4209,5 минг сўмдан 5456,9 минг сўмгача бўлган оралиқда ўртacha ойлик иш ҳақи ҳисобланган. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг  $\frac{1}{4}$  қисми фаолият кўрсатадиган қишлоқ хўжалигида ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори энг кам кўрсаткичdir. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий фаолият соҳаларида тўланадиган иш ҳақлари ўртасидаги сезиларли даражадаги мавжуд фарқланишларни ўсиб бориши (шунингдек, аҳоли умумий даромадлари таркибида иш ҳақи улушкини юқорилини ҳисобга оладиган бўлсак) аҳоли даромадлар тенгсизлигини кескин ўсишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда статистика агентлининг статистик маълумотларга асосан амалга оширилган регрессион таҳлилда 2012-2023 йиллар давомида Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши (Жини коэффициенти), таъсир этувчи омиллар ( $Y$ -боғлиқ ўзгарувчи) ва ( $X_1$ -мустақил ўзгарувчилар) аҳоли бандлиги даражаси (фоизда), жисмоний шахслар даромад солиғининг ўртacha самарали ставкаси (%), аҳоли умумий даромадлари таркибида трансферлардан олинган даромад улуши (%) олинган.

Регрессион таҳлилда аҳоли умумий даромадлар таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг улушкидан келиб чиқсан ҳолда, аниқланган даромад суммасига жисмоний шахслар тўланган даромад солиғи суммаси нисбатини сифатида самарали ўртacha солиқ ставкасини ифодаланган бўлиб, самарали ўртacha солиқ ставкаси даромадги солиқ улушкини реал баҳолаш имкониятини беради.

#### 4-жадвал

##### Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишига (Жини коэффициенти) омиллар таъсирининг корреляцион матрицаси

	$Y$	$X_1$	$X_2$	$X_3$
<b>Y- Жини коэффициенти</b>	1			
<b><math>X_1</math> - бандлик даражаси,%</b>	-0,541337	1		
<b><math>X_2</math> - даромад солиғининг ўртacha самарали ставкаси, %</b>	0,326731	-0,592228	1	
<b><math>X_3</math>- трансферлар улуси,%</b>	0,343036	-0,516539	0,755668	1

Боғлиқ ўзгарувчи ва таъсир этувчи омиллар сифатида олинган мустақил ўзгарувчилар ўртасида корреляцион боғлиқ мавжуд деган холосага келиш мумкин. Шундай қилиб, аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши (Жини коэффициенти), ( $Y$ ) ва аҳоли бандлиги даражаси( $r_1=-0,5413$ ), даромад солиғининг ўртacha самарали ставкаси ўртасида ( $r_2=0,3267$ ) ҳамда трансферлардан олинган даромад улуси ўртасида ( $r_3=0,3430$ ) боғлиқлик мавжудлиги аниқланган (4-жадвал).

Кўп корреляция коэффициенти  $R=0,54900499$  тоғлиқ ўзгарувчи (аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши (Жини коэффициенти) ва таъсир этувчи детерминантлар бўлган мустақил ўзгарувчилар аҳоли бандлиги даражаси, даромад солиғининг ўртacha самарали ставкаси, умумий даромадларда трансферлардан олинган даромад улуси ўртасида статистик боғлиқликни тавсифлайди. Кўп корреляция коэффициентининг 0.5 миқдори танлаб олинган кўрсаткичлар ўртасидаги чизиқли боғлиқни англатади. Детерминация коэффициенти  $R^2=0,30140648$  индикаторнинг қиймати боғлиқ ўзгарувчи аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишидаги (Жини

коэффициенти) ўзгаришлар 30% ҳолатда танланган мустақил ўзгарувчиларнинг ўзгариши билан боғлиқлиги билан изоҳланади (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Регрессион таҳлил моделини натижалари

Кўп корреляция коэффициенти R	0,54900499
Детерминация коэффициенти R <sup>2</sup>	0,30140648
тузатилган детерминация коэффициенти R <sup>2</sup>	0,03943391
Стандарт хатолик	0,01047660
Кузатувлар	12

Аҳолининг даромадлари таркибида иш ҳақи қўринишидаги даромадлар улуши юқорлиги ва иш ҳақи бўйича юқори миқдордаги фарқланишларни, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш базаси ҳамда солиқ ставкаларини қисқариши (хусусан, турли тоифадаги даромадлар ва солиқ тўловчиларга солиқ солинмаслиги), трансферлар миқдорини камлигини инобатга олган ҳолда, аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишига (Жини коэффициенти) аҳоли бандлиги даражаси, даромад солиғининг ўртача самарали ставкаси ва трансферлар улушкини таъсиirlари юқори бўлмаслигини изоҳлаш мумкин.

### 6-жадвал

#### Дисперсион таҳлил натижалари

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	Муҳимлик F
Регрессия	3	0,0003788	0,0001263	1,150526898	0,386299406
қолдик	8	0,0008781	0,0001098		
умумийси	11	0,0012569			

Дисперсияни таҳлил қилиш натижаларига кўра, модел муҳим ва статистик маълумотларга адекват деган хуносага келди, чунки Фишернинг адекватлик мезони ( $F_{хисобланган}=1,1505$ ) Фишер мезонининг жадвал қийматидан (0,38629) катта (6-жадвал).  $\alpha= 0,05$  аҳамиятлилик даражасидаги F-мезонининг ҳақиқий қиймати унинг критик қийматидан каттароқdir. Шунинг учун, мумкин 0,95 эҳтимоллик билан боғлиқ ўзгарувчи ва олинган мустақил ўзгарувчилар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини билдиради. Шундай қилиб, 100 та ҳолатдан 95 тасида, аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишига (Жини коэффициенти) танланган кўрсаткичларга боғлиқdir, шу сабабдан эконометрик модел ишончли ҳисобланади.

### 7-жадвал

#### Модел параметрларининг нуқтали баҳолаш

	Коэффициентлар	t-статистика	P- муҳимлик даражаси
Y- кесишимаси	0,689169612	2,253528707	0,054267653
X <sub>1</sub> - бандлик даражаси, %	-0,006207186	-1,407962605	0,196793733
X <sub>2</sub> - ўртача самарали солиқ ставкаси, %	-0,000593636	-0,181453293	0,860524894
X <sub>3</sub> - трансферларнинг улуси, %	0,000339868	0,308335315	0,765703061

Модел параметрларининг нуқтали баҳолаш натижаларидан кўриниб туридки, бошқа омиларга нисбатан аҳолининг бандлик даражасининг аҳоли даромадларининг тенгизлигига салбий таъсири статистик аҳамияти юқоридир (7-жадвал). Юқорида

келтирилган модел параметрларининг баҳолаш натижаларига мувофиқ, эконометрик моделни қуидаги ифодлаш мумкин:

$$y=0,6891-0,0062x_1-0,0005x_2+0,0003x_3 \quad (1)$$

Регрессион тенгламадан қўриниб турибдики, аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши (Жини коэффициенти) ва иқтисодиётда аҳоли бандлиги даражаси, даромад солиғининг ўртача самарали ставкаси ўртасида салбий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган бўлиб, бунга аҳоли бандлиги даражасини ўсиши ва жисмоний шахслар даромад солиғи аҳоли даромадлар тенгсизлигини камайтиришда муҳим воситалардан ҳисобланишини келтириб ўтиш лозим. Бироқ, амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларидан аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтиришда аҳоли бандлиги даражасининг таъсири статистик аҳамиятга эга эканлиги, жисмоний шахслар даромад солиғининг таъсирини эса статистик аҳамиятга эга эмаслигини қўриш мумкин. Бундан ташқари, аҳолининг даромадлари таркибида трансферлар улуши ва аҳоли даромадлари тенгсизлиги ўртасида ижобий боғлиқлик бўлсада, бу статистик аҳамиятга эга эмас. Регрессион таҳлилдан олинган натижаларга асосланган ҳолда, иқтисодиётда аҳоли бандлиги даражасини ошириш орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш мумкинлиги, шу билан бирга, жисмоний шахсларни даромад солиғи амалдаги ставкаси даромадларни қайта тақсимлашда, хусусан, аҳоли даромадлари тенгсизлиги даражасини камайтиришда самарасиз деган холосага келиш мумкин.

Бу шуни англатадик, аҳоли умумий даромадида солиқ солинадиган даромад базаси ва солиқ тўловчилар сони улушкини камдир. Яъни, турли тоифадаги даромадлар ва солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан озод қилинган. Жумладан, солиқ органларининг статистик маълумотларга кўра, жисмоний шахслар даромад солиғи (қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар билан бирга қўшиб ҳисоблаганда) тўловчилар сони 2021 йилда 4925,8 минг нафарни, 2022 йилда 5252,4 минг нафарни ва 2023 йилда эса 5527,0 минг нафарни ташкил қилган. Статистика агентлигининг маълумотларга кўра эса, 2023 йилга келиб, иқтисодиёт банд бўлган аҳоли сони 14014,2 минг нафарни ташкил қиласди ва бу эса солиқ тўловчилар сонига нисбатан 2,5 баравар кўпdir (3-расм).



**3-расм. Иқтисодиёт банд бўлган аҳоли сони динамикаси,**  
(Статистика агентлиги, 2017)

Келтирилган таҳлил маълумотларидан қўриниб турибдики, турли тоифадаги даромадлар ва солиқ тўловчиларни даромад солиғидан озод қилиниши (жумладан, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар ва бошқалар) оқибатида умумий

мөхнат фаолиятини амалга оширадиган иқтисодиётда банд аҳоли сони ва даромад солиғи тўловчилари сони ўртасидаги катта фарқланиш юзага келган. Балки, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишда солиқдан озод қилинадиган даромадлар ва солиқ тўловчилар таркибини кенгайтириш орқали аҳолининг реал даромадларини ошиши ва даромадлар тенгсизлигини камайтиришда самарали механизм ҳисобланмайди. Чунки бунда солиқни алмаштириш самарасини кучайиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бу солиқ солишнинг принципларига зид келади. Даромад солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштиришда йўналишида жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича даромадлар ва солиқ тўловчилар таркибини қайта кўриб чиқиши, солиқ потенциалини аниқ баҳолаш, умуман олганда, жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни оптималлаштириш орқали ушбу солиқни аҳоли даромадларини тартибга солишнинг самарали воситасига айлантириши мумкин.

Турли хил ижтимоий гурухлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш бўйича давлат фискал сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири бу жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш тизими ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Оптимал солиққа тортишнинг стандарт назарияси шуни кўрсатадики, солиқ тизими бир қатор чекловларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаравонлик функциясини максимал даражада ошириши керак. Оптимал солиққа тортиш бўйича назарий адабиётларнинг умумий таҳлилида индивидуал нафлийкнинг ноҷизиқли функцияси ҳисобланган ижтимоий таъминот функциясидан фойдаланилган ва бу ижтимоий режалаштирувчига нафлийкни тенг тақсимлаш имкониятини беради

Солиқ солишнинг асосий самараларидан бири “даромад самараси” бўлиб, бу солиқлар ўз моҳиятига кўра, жисмоний шахслар даромадларини қайта тақсимлаш орқали бир қисмини олиб қўйиши ва шу билан бирга, солиқ тўланган кейин жисмоний шахснинг тасарруфида реал даромад миқдорига (жумладан, истеъмол ва жамғариш нормасига) таъсир кўрсатади.

Солиқ қонунчилигига барча фаолиятдан олинган даромадларга солиқ солинмайди ва ҳатто солиққа тортиладиган фаолиятлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари турли хил ставкада солиқга тортилиши мумкин бўлиб, бу солиққа тортишнинг иккинчи фундаментал таъсирини солиққа тортиладиган фаолиятни солиққа тортилмайдиган фаолият турлари билан алмаштиришда ифодаланадиган “алмаштириш самараси”ни англатади.

Аҳоли даромадиги прогрессив солиқ солишда солиқ шкаласининг максимал ставкасини белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади: биринчидан, миллий даромадда аҳолининг энг бой қатламишининг улуши; иккинчидан, қайд этилган даромадларнинг меҳнат фаолиятлари билан боғлиқлиги.

Солиққа тортишда вертикал тенгликни таъминлаш йўллари ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги сабабли пропорционал ёки прогрессив ставкадаги солиқларнинг қайси бири адолатлироқ деган савол ҳалигача баҳсли масала ҳисобланади. Шу сабабдан, ижтимоий адолат нуқтаи назаридан аҳоли даромадларига пропорционал ёки прогрессив ставкаларда солиқ солишни танлаш ушбу жамиятда даромадларни тақсимлашда қандай тенгсизлик оптималлиги ва даромадларни қайта тақсимлашнинг қай даражада адолатли эканлиги билан белгиланади.

Адолатли солиққа тортиш талаблари прогрессив даромад солиғи билан энг мос келади, чунки солиққа тортишнинг пропорционал шкаласи аҳоли даромадларининг табақаланиш даражасини пасайтиришда самарали ҳисобланмайди. Прогрессив солиқ ставкаларини ягона солиқ ставкаси билан алмаштириш даромадлар тенгсизлигининг янада ошишига олиб келиши мумкин.

Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши (Жини коэффициенти) ва иқтисодиётда аҳоли бандлиги даражаси, даромад солиғининг ўртача самарали ставкаси ўртасида салбий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган бўлсада, бироқ аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтиришда аҳоли бандлиги даражасининг таъсири статистик аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, аҳолининг даромадлари таркибида трансферлар улуши ва аҳоли даромадлари тенгсизлиги ўртасида ижобий боғлиқлик бўлсада, бу статистик аҳамиятга эга эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, регрессион таҳлил натижаларига асосанланган ҳолда амалдаги жисмоний шахсларни даромад солиғи тартиби аҳоли даромадларни қайта тақсимлашда, хусусан, аҳоли даромадлар тенгсизлиги даражасини камайтиришда самарали ҳисобланмайди.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Buchanan J.M. & Musgrave R.A., (1999). "Public Finance and Public Choice: Two Contrasting Visions of the State," MIT Press Books, The MIT Press, edition 1, volume 1, number 0262024624, April.

Heady C. (1993). *Optimal taxation as a guide to tax policy: a survey*, *Fiscal Studies, Institute for Fiscal Studies*, vol. 14(1), pages 15-41.

IMF, (2017). <https://www.imf.org/external/russian/np/blog/2017/101117r.pdf>.

Mankiw Gregory N. & Matthew Weinzierl & Danny Yagan, (2009). *Optimal Taxation in Theory and Practice*, *Journal of Economic Perspectives, American Economic Association*, vol. 23(4), pages 147-174.

Mirrlees J. A. (1971). "An Exploration in the Theory of Optimum Income Taxation", *Review of Economic Studies, Oxford University Press*, vol. 38(2), p pages 175-208.

Ramsey, F.P., (1927). *A contribution to the theory of Taxation*, *E Economic Journal*, vol. 37(145), pp. 47-61.

Майбуров И.А., Соколовская А.М., (2012). Некоторые постулаты оптимального налогообложения труда. <https://elibrary.ru/download/elibrary>.

Мамонова И.В., Алеников А.С., (2011). Влияние подоходного пропорционального налогообложения на предложение труда.

Статистика агентлиги, (2023). <https://stat.uz/uz>.

Такмакова, Е.В., (2003). Доходы сельского населения в условиях становления рыночной экономики. автореферат дис.... кандидата экономических наук: 08.00.01. Орел. 23с.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, (2023). <https://www.imv.uz>.